

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

СУВ ОКРУГЛАРИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ШИРКАТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН (Фарғона водийси мисолида)

Насритдинов Қобулжон Махамаджонович,
тарих фанлари номзоди, доцент,
ТДАУ Андижон филиали Гуманитар фанлар кафедраси

For citation: Nasritdinov Kabuljan. From the history of water and land reclamation companies. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 4-10.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-8-1>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада илмий-тарихий адабиётлар ва архив материаллари асосида совет ҳукумати томонидан XXасрнинг 20-30 йилларида Фарғона водийсида суғорма деҳқончилик жабҳасида амалга оширилган чоратadbирларининг мазмун-моҳиятини, тарихий манзарасини ҳамда сув округлари ва мелиорация ширкатлари фаолияти илмий таҳлил қилиб берилган.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, деҳқончилик, суғориш, тўғон, акведук, сув округи, мелиорация ширкатлари, экстенсив тараққиёт йўли, кубометр, ирригация.

ИЗ ИСТОРИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВОДНЫХ И МЕЛИОРАЦИОННЫХ КОМПАНИЙ

Насритдинов Кабулжон Махамаджонович,
кандидат исторических наук, доцент
Гуманитарный факультет Андижанского филиала ТГУУ

АННОТАЦИЯ

На основе научно-исторических литературы и архивных источников автор статьи анализирует историческую картину и раскрывает сущность мероприятия осуществленных советской властью по развитию орошаемого земледелия а также деятельности водных округов и мелиоративных товариществ Ферганской долины в 20-30 е годы XX века.

Ключевые слова: Ферганская долина, земледелие, орошение, платина, акведук, водный округ, мелиоративное товарищества, сифон, экстенсивный путь развития, плотина, кубометр, ирригация.

FROM THE HISTORY OF WATER AND LAND RECLAMATION COMPANIES

Nasritdinov Kabuljan,

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
Faculty of Humanities Andijan branch of TSUU

ANNOTATION

On the basis of scientific and historical archival sources, the author of the article shows a historical picture and reveals the essence of the event carried out by the Soviet government for the development of irrigated agriculture as well as the activity of water districts and meliorative associations of the Fergana Valley in the 20-30s of the XX century.

Key words: Fergana valley, agriculture, irrigation, dam, aqueduct, water district, meliorative partnership, siphon, extensive development path, dam, cubic meter, irrigation.

1917 йил октябрь ойидаги давлат тўнтаришдан сўнг сиёсий ҳокимият тепасига келган совет ҳукумати марказ енгил саноатини пахта хом-ашёсига бўлган талабини қондириш мақсадида Туркистон ўлкасида, жумладан ўлканинг асосий пахта хом ашёсини етказиб берувчи минтақаси ҳисобланган Фарғона водийсида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширди. 1918 йил май ойида бўлиб ўтган ТАССР Советларининг фавқулодда VII қурултойида суғорма деҳқончилик соҳасини қайта тиклаш, айниқса пахта етиштиришни миқдор жиҳатидан кўпайтириш масаласи муҳокама этилиб, “Мелиорация ва суғориш” ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Қабул қилинган қарорда, мавжуд маҳаллий суғориш системаларининг иш қобилиятини ошириш ва сув тақсимотида тартиб ўрнатиш учун канал ариқларнинг бош

тўғонларида янги сув тақсимловчи иншоотларни қуриш, ҳарбий ҳаракатлар туфайли бузилиб кетганва яроқсиз ҳолатга келиб қолганларини қайта тиклаш вазифалари кўрсатилган эди[1,22-28]. Шунингдек, қурултойда ирригатор кадрлар, гидротехниклар, маҳаллий ариқ оқсоқолларини тайёрлаш учун қисқа курсларни ташкил қилиш ҳақида алоҳида қарор қабул қилинди.

Фарғона вилояти суғориш тизимларининг бир маромда ишлаб туришини таъминлаш учун ҳукумат томонидан 1919 йилда 500 минг сўм ажратилди. Ушбу ажратилганмаблағлардан баҳорги энг зарур ишлар учун 200 минг сўми дарҳол жўнатилди[2,72]. Чунки, совет ҳокимияти ҳукмронлигининг дастлабки даврида ҳам марказ енгил саноати корхоналарига асосий пахта хом ашёсини етказиб берувчи ҳудуд Фарғона вилоятидасуғорма деҳқончиликни қайта тиклаб изга туширмай туриб соҳада бирор бир ижобий натижаларга эришиш мумкин эмас эди.

Туркистон ўлкаси иқтисодини тиклашда ҳал этилиши жиҳатидан муҳим ҳисобланган сув хўжалигини тартибга солиш масаласини муҳокама қилиш учун 1919 йилнинг 25 июнида ўлканинг барча вилоят ирригаторларини Тошкент шаҳрида ўлка миқёсидаги Кенгаши ўтказилди. Кенгашда ўша даврнинг энг муҳим талаби мавжуд ирригация системаларида сувдан фойдаланишни тартибга солиш учун ўлканинг мавжуд ҳудудий-маъмурий бўлиниши бўйича сув хўжалиги ишларини ташкил қилиш мураккаб ва мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидланди, чунки бундай ҳудудий-маъмурий бўлиниш туфайли битта уезд, туман, ҳатто бир волость ерлари турли суғориш тармоқларидан суғорилган. Бу ҳолат эса сув тақсимоти масаласида сувдан фойдаланувчилар ўртасида кераксиз мунозара ва жанжалларга сабаб бўлмоқда эди. Шунинг учун ҳам ўлка сув мутахассисларининг бу кенгашида ҳар бир суғориш системасини (у нечта туман, волостни ҳудудларини босиб ўтишидан қатъий назар) сувдан фойдаланиш бўйича алоҳида сув райониға бириктирилиши лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу қабул қилинган қарорда, фақат шундай қилинсагина сувдан фойдаланишда навбат тартибини ўрнатиш мумкин бўлиши, канал-ариқларни қозиш, таъмирлаш ва лойқадан тозалаш ишларини ташкил қилиш эса осонлашиши қайд этилган эди[3,495].

Ушбу қабул қилинган қарорға асосан, Туркистон ўлкасида, жумладан Фарғона вилоятида қуйидаги олтита Қорадарё, Норин-Учқўрғон, Наманган, Исфайрам-Шоҳимардон, Сўх-Исфара ва Мойлисой сув округлари ташкил қилинди.

Ташкил этилган ҳар бир сув округи ўз навбатида бир суғориш манбасидан сув олувчи алоҳида маъмурий сув райониға ҳам бўлинди. Бу тадбир яъни сувдан фойдаланувчиларни алоҳида сув районларига бўлинишидан асосий мақсад сувдан фойдаланиш ва суғориш ҳамда гидроиншоотларни таъмирлаш ишларини амалга оширишни тартибга солиш эди. Сув районлари эса ўз навбатида сув участкаларига бўлинган. Натижада, ҳар бир суғориш системасида сувдан фойдаланиш ва иншоотларни таъмир қилиш ишлари анча тартибга солинди. Бу азалдан ўлканинг маҳаллий мироблар томонидан амалиётда қўлланилиб келинган сувдан фойдаланиш бўйича тартиб-қоидаларни яна қайта тикланишининг ўзгинаси эди.

Илмий таҳлил қилинаётган даврда Фарғона водийси ирригациясини ва умуман, ўлка қишлоқ хўжалигини тиклашда ва ривожлантиришда янгидан ташкил этилган мелиорация ширкатлари муҳим роль ўйнайди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Туркистон ўлкасида биринчи мелиорация ширкатлари 1919 йилдаёқ ташкил этила бошланди. 1921 йили 3 августда эса РСФСР меҳнат ва мудофаа совети “Мелиоратив ширкатлар тўғрисида” махсус қарор қабул қилди[4,56].

Бу қабул қилинган қарорда мелиорация ишларининг деҳқончилик қилишдаги аҳамияти ниҳоятда зарурлиги туфайли мелиоратив ширкатларини тузиш масаласи давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа деб белгиланди. Шу тариқа мелиоратив ширкатларини тузиш бутун Туркистон ўлкасида авж олди. Агар 1924 йили республика бўйича 24 та мелиоратив ширкати иш олиб борган бўлса, 1925 йилга келиб уларнинг сони 97 тага, 1926 йили эса 129 тага етди. Уларга юз мингдан ортиқ деҳқонлар аъзо бўлиб кирдилар. Фарғона водийсида ҳам бундай мелиоратив ширкатлар бу даврда сон жиҳатидан йилдан йилга ортиб борди. 1925 йилга келиб Фарғона вилоятининг Андижон уездида 8 та, Қўқон уездида 6 та, Наманган уездида 5 та, Марғилон уездида 3 та, ана шундай мелиоратив ширкатлар ташкил топиб фаолият кўрсатишган[5,61].

Тадқиқ этилаётган даврда давлат томонидан мелиоратив кооперация учун махсус кредит фонди (2 миллиард сўмлик низомий фондига эга) таъсис этилди. Бундан ташқари, молиявий кредит билан бирга давлат томонидан техник, илмий, ташкилий амалий “ёрдам”лар уюштирилди. Бу шаклдаги асосий “ёрдам” йирик ер эгаларидан мусодара қилинган от-улов, турли меҳнат инвентарлари ҳисобидан амалга оширилди. Мелиоратив ширкат низомига кўра суғориладиган ерларда 50та, янги қўриқ ерларда 10та ва ундан ортиқ хўжалик аъзоси бўлган

тақдирда (ҳали якка хўжалиқ мавжуд) мелиоратив ширкатлар тузилган. 1926 йилга келиб бутун ЎзССРда ўз таркибида 230 минг кишини бирлаштирган 133 та мелиоратив ширкатлар фаолият олиб борган. 1927 йилга келиб эса республика бўйича жами 174 та мелиоратив ширкатлар фаолият кўрсатган.

Мелиоратив ширкатлар ўз вазифасига кўра янги ерларни суғориш (ариқ қазиш), зах, ташландиқ қуролли ҳаракатлар туфайли яроқсиз ҳолатга келиб қолган ерларни тартибга солиш (ер майдонларининг четларида зовур қазиш, ерларни текислаш, ўт-ўландан тозалаш) каби ишларни бажарган.

1924-1925 йилларда жорий этилган “янги иқтисодий сиёсат” (НЭП) даврида ердан фойдаланишнинг ижара формасини қўлланиб кўрилди. Туркистон ўлкаси ва унинг вилоятларида, жумладан, Фарғона вилоятида якка тартибда иш юритувчи зироатчи деҳқон хўжалиқларига асосан, мелиоратив ҳолати ёмон ҳолатда бўлган экин майдонлари ижарага берилган. Бундан ер майдонларида ижарачи деҳқонлар қўшимча равишда зовур қазиш, ерларни текислаш, ўт-ўландан тозалаш каби ишларни бажаришлари лозим бўлган. Бу даврда ер ижарасининг уч шакли:

- а) давлат ижараси;
- б) кооператив ва жамоатчилик ижараси;
- в) шахсий кишилар ижараси мавжуд бўлган.

Ижара шартларида мелиорация ишларини олиб бориш (асосан зовур қазиш, шўр ювиш) ва бедани алмашлаб экиш мажбурий деб белгиланган. Низомда ҳатто ерларни яхши мелиорация қилганлиги учун ижарачи деҳқон хўжалигига мукофот системаси ҳам жорий қилинган (яъни маълум вақтга қадар ижара ҳаққи олинмаган). Ижарачилардан ерни шўр босмаслиги ва захлаб кетмаслиги учун ариқ зовурларни техник шароитга кўра яхши сақлаш талаб қилинган. Ён-атрофдаги ерларга, шунингдек, йўлларга сув ташлаш, яъни сувни исроф этиш қатъиян ман қилинган. Шунга қарамасдан, ижарачилик тажрибаси ўлкада, Фарғона вилоятида сиёсий сабабларга кўра ривож топмай 1925 йилдан амалда йўқ бўлиб кетди. Юқорида зикр этилган мелиорация ширкатлари ичида Фарғона вилоятидаги энг йириги 5000 та сувдан фойдаланувчи деҳқон ва 3500 гектар ерни ўзида бирлаштирган Лўғумбек ширкати ҳамда 4000 кишини бирлаштирган Учқўрғон ва Хонобод ширкатлари эди. Улар сув хўжалигини, айниқса, майда суғориш тармоқларини тиклаш ва тартибга солишда муҳим роль ўйнадилар. Луғумбек ширкати аъзолари ўз кучи билан ўз маблағи ҳисобига Мойлисайдан бошланадиган Кўйқулоқ ариғини қайта тикладилар

ва 1000 гектар ерни мунтазам сув билан суғоришни таъминладилар. Шунингдек, Учқўрғон, Чувама, Урганжи, Гуркиров, Ёзёвон мелиорация ширкатлари ҳам қатор майда ариқларни қайта тиклаб 5000 гектаргача ерни янгидан суғоришда фаол иштирок этдилар[5,62].

1925 йил 27 майда Хонариқ суғориш тизимида тузилган мелиорация ширкати ўз олдига Хонариқдан сув олувчи Кексойариқда тўғон қуришни, Увада, Урганжи, Олахамак, Шўрқўрғон, Ўлмас, Шамсиқўл ариқларини узайтириш ва регуляторлар қуриш вазифасини қўйди[6,11]. Ширкат аъзоларининг меҳнати билан қисқа муддат ичида 6 та ариқда сув таъминоти яхшиланди ва қўшимча 3 минг десятина ер ўзлаштирилиб суғорилди. Шунингдек, 3 мингдан ошиқ сувдан фойдаланувчиларни бирлаштирган Қирғизқўрғон, Хонобод, Капа волостларидаги ширкатлар ўз фаолиятидаги асосий эътиборни ботқоқлашиб кетган ерлардан сувни қочиришга қаратдилар. Шўр босган ерлар шўридан тозаланди ва фойдаланмай ётган, ташландиқ ва ботқоқлашиб кетган ерларда амалга оширилган чора тадбирлар натижасида 1 минг десятина янги ерни ўзлаштиришга эришдилар[6,99].

Бободархон-Фурумсарой, Акси-Шаханд, Хонобод-Карнон мелиоратив ширкатларида ҳам ариқларни кенгайтириш, тозалаш ва ерни шўрини ювиш билан бирга 8 км узунликда янги ариқлар ҳам қазилган[7,101]. Умуман Хонариқ ширкати аъзоларининг кучи билан бир неча майда ариқлар қайта тикланди ва улар ёрдамида 5000 гектаргача ерни янгидан суғориш ишлари амалга оширилди.

1925 йилга келиб Қўқон уездида Кенагас, Гўртепа, Махрам, Қипчоқ, Қушар, Бачқир номли 6 та мелиоратив ширкатлар фаолият олиб борган бўлиб, ушбу ширкатларнинг аъзолари меҳнати эвазига 1927 йилга келиб уездаги суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг миқдори 93829 гектарга, 1929 йилга келиб эса 105117 гектарга етказилган[8,44-47].

Республика Мелиоратив ширкатлари томонидан 1929-1931 йилларда суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Республикада жамоалаштириш тўла амалга оширилгунигача мелиоратив ширкатлари фаолият кўрсатиб келдилар. Мелиоратив ширкатлар 1930 йил август ойидан ўз фаолиятини Ўзбекистон пахта ширкати таркибига юрита бошлади[9,128]. 1930 йилнинг 1 октябригача бўлган маълумотларга кўра, республикада 287 та йириклаштирилган мелиорация ширкатлари мавжуд бўлиб, уларга 630522 киши ёки барча хўжаликларнинг 75 фоизи аъзо бўлиб кирган эди[10,84].

XX асрнинг 30 йиллари бошида жамоалаштириш ҳаракатининг кучайиши натижаси ўлароқ мелиоратив ширкатлар ва кооперациялар тизимида ҳам таркибий ўзгаришлар бўлди. Ушбу ўзгаришларнинг натижаси ўлароқ, 1931 йил декабрида Мелиорация ширкатлари тугатилди, уларнинг маблағлари колхоз ва ишлаб чиқариш ўртоқликларига ўтказиб берилди[9,128].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, республика ҳудудида сув округлари ва мелиоратив ширкатларининг ташкил этилиши билан собиқ иттифоқ даврида асосий пахта етиштириб берувчи база ҳисобланган Фарғона водийсидаги муқаддам суғорилиб, деҳқончилик қилинган ерларни ҳарбий ҳаракатлар туфайли яроқсиз ҳолатга келиб қолганлиги учун уларни тез фурсатларда қайта тиклаб қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш, таъмирланган ва янги бунёд этилган суғориш тармоқлари билан янги қўриқ ерларни ўзлаштириш, экин айниқса, пахта экиладиган майдонларни миқдор жиҳатидан кўпайтириш, уларнинг сув таъминотини яхшилаш билан “марказ” кўрсатмасига асосан, асосий техник экин ҳисобланган пахта етиштиришни миқдор жиҳатидан орттиришга эришилди.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати

1. Деятельность коммунистической партии и советского правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркестане.— Ташкент: Узбекистан, 1986.—С.296.
2. ЎзР МДА. 215-р-фонд, 1-рўйхат, 4-иш.
3. ЎзР МДА. 29-фонд, 3-рўйхат, 1338-иш.
4. История колхозного права. Т. 1. —Москва: 1959. —С.518.
5. ЎзР МДА. 218-р-фонд, 1-рўйхат, 174-иш.
6. ЎзР МДА. 302-фонд, 1-рўйхат, 52-иш.
7. НВДА. 54-фонд, 1-рўйхат, 323-иш.
8. Абдулхамидов А. Из истории орошения Кокандского оазиса. — Ташкент: Фан, 1974. —С.100.
9. Раззақов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (Ўтмиш ва ҳозир). — Тошкент: Ўзбекистон, 1994. —Б.304.
10. Тактаев А.А. Мелиоративная кооперация в процессе восстановления и развития сельского хозяйства УзССР. —Ташкент: Узбекистан, 1962.—Б.126.